

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДИНМУХАММАДИЕВ НУРЛАН АКТАМОВИЧ**

**ОИВ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА БРОНХ-ЎПКА  
ПАТОЛОГИЯСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1908 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Арипов Орифжон Абдумаликович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ибадова Гулнара Алиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2А-уй. Тел: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Л. Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.Т. Искандарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда ва глобал соғлиқни сақлашга жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда. ЖССТ маълумотларига кўра, «...дунё бўйлаб тахминан 40 миллион киши, жумладан, 14 ёшгача бўлган 1 миллиондан ортиқ болалар ОИВ билан яшайди, ҳар йили 1,3 миллиондан ортиқ янги ҳолатлар қайд этилади»<sup>1</sup> деб таъкидланади. ОИВ инфекцияси кўплаб мамлакатларда аҳолининг соғлиғига жиддий таҳдид солишда давом этар экан, айниқса заиф болалар ва ўсмирлар гуруҳида ўпка функциясига оид тадқиқотлар етарли эмаслиги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Турли манбаларда қайд этилишича, ОИВ инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиялари тарқалиши 15-45% ни ташкил этади. Ҳозирги кунда ушбу ҳолат ОИВ инфекцияли болаларда бронх-ўпка шикастланишларининг клиник-функционал хусусиятларини ўрганиш, уларни эрта ташхислаш ва самарали профилактика тадбирларини такомиллаштириш амалий тиббиётнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ОИВ билан касалланган болаларда бронх-ўпка патологиясининг хусусиятларини аниқлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, нафас олиш функцияси бузилиши билан кечадиган ўпка патологияларини комплекс асослаш, ОИВ инфекциясининг турли босқичларида юзага келадиган респиратор касалликлар учун клиник, анамнестик, лаборатория ва ихтисослаштирилган диагностика усулларининг таққосланган таҳлили, болаларда антиретровирус терапия билан сурункали ўпка касалликлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш, ОИВ билан касалланган беморларда респиратор аломатларнинг юқори даражаси мавжуд бўлиб, ОИВ инфекцияли беморларда нафас олиш тизими патологияларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш, антиретровирус даволашнинг ўпкага таъсирини аниқлаш, ўпка касалликлари ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, эрта ташхисот усулларини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ривожланишини олдини олиш, эрта ташхислаш, самарали даволаш бўйича чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, «...бирламчи тиббий – санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни ҳал этиш аҳоли орасида турли юқумли касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнида замонавий

<sup>1</sup>WHO 2025. <https://www.who.int/teams/global-hiv-hepatitis-and-stis-programmes/hiv/strategic-information/hiv-data-and-statistics>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони

технологияларни қўллаш, тиббий хизмат сифатини янги босқичга кўтариш орқали касалликлар оқибатида юзага келадиган ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлиг даражаси.** Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, болалар орасида ОИВ инфекцияси ҳали-ҳануз глобал эпидемия хусусиятига эга (Liu J., 2023). Шу билан бирга, антиретровирус терапия ва асоратларни эрта ташхислаш-даволаш имкониятларининг кенгайиши туфайли ОИВ билан яшовчи болаларнинг умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада ортиб бормоқда (McHugh G., 2016). Болаларда ОИВ инфекцияси кўпинча ўпка патологиялари билан кечади. Айниқса, ретровирусга қарши даволашга тўлиқ эриша олмайдиган минтақаларда ўткир пастки нафас йўллари инфекциялари юқори ўлимга сабаб бўлиб қолмоқда (Bates M., 2013). Паст ва ўрта даромадли мамлакатларда ўткир пастки нафас йўллари инфекциялари юқори даражада бўлиб, бу борада қўшимча маълумотларга эҳтиёж мавжуд (Collaro AJ, 2023). Яшовчанликнинг ортиши билан бирга, болаларда асимптоматик енгил ўпка дисфункциясидан тортиб бронхоэктаз ва бошқа сурункали респиратор касалликларгача бўлган патологиялар тобора кўпаймоқда (Brown J., 2016; Githinji L., 2021).

ОИВ инфекцияси билан яшовчи болаларда кичик ҳаво йўллари касаллиги (SAD) муҳим клиник муаммо бўлиб, кўпинча кузатиш ва диагностикада эътиборсиз қолмоқда (Puzyreva L.V., 2020; Ayuk A., 2021). Бу патология бронхиал астмага хос бўлиб, касалликнинг оғир кечиши ва асоратлар ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ (Kutikova O. Yu., 2019; Chernyak A. V., 2020; Neri S., 2018). Ушбу ҳолатлар ОИВ инфекцияли болаларда астма ёки астмага ўхшаш респиратор касалликларнинг юқори тарқалишини кўрсатади (Кунук JA, 2012). Антиретровирус терапиянинг самарадорлигини ўрганишда сезиларли натижаларга эришилган бўлса-да, иммунологик етишмовчанликнинг патогенетик механизмлари, жумладан, CD4+ Т-лимфоцитларнинг тўлиқ тикланмаслигининг омиллари ҳали ҳам етарлича очиб берилмаган ва қўшимча илмий изланишларни талаб этади

(Guedes de Oliveira va бошқалар, 2025).

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилган: касалликнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва вируснинг антиретровирус терапия дориларига бирламчи резистентлиги (Baizhanov A.K. va бошқ., 2018), оғир иммунитет танқислигида цитомегаловирус инфекциясининг тарқалиши (Касимова Р.И., 2020), ОИВ/гепатит С коинфекциясида жигар фибрози ривожланишининг ўзига хосликлари (Насирова Х.П., 2022), ОИВ билан яшовчи болаларда гематологик ўзгаришлар ва иммунопатологик ҳолатлар ўрганилган (Рахматуллаева Ш.Б., 2023). Шунингдек, катталар популяциясида ўтказилган тадқиқотларда ОИВ инфекцияли беморларда сурункали обструктив ўпка касаллигининг ёш билан ортиб бораётган ривожланиш тенденцияси ва оғир кечишга мойиллик юқорилиги аниқланган (Мамасалиева С.А., 2023). Бироқ юқоридаги тадқиқотлар ОИВ инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологияси масалаларига етарлича ёндашмаган. Шу сабабли, касалликнинг клиник кечиши, эрта диагностика ва антиретровирус терапиянинг таъсирини аниқлаш долзарб аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган (2021-2023 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда бронх-ўпка патологиясининг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда бронх ўпка патологиясининг учраш даражаси ва характерини таҳлили;

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда бронх ўпка патологиясининг анамнезидаги ОИВ билан боғлиқ касалликларнинг ва бошқа баъзи касалликларнинг учраш даражасини таҳлили;

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда бронх ўпка патологияси бўлганида клиник, иммунологик ва вирусологик кўрсаткичларини аниқлаш;

ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда бронх ўпка патологияси билан боғлиқ омилларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ОИТСга қарши курашиш маркази қошидаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётган 5-18 ёшли ОИВ инфекцияси билан касалланган 179 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида спирометрия кўрсаткичлари, веноз қон, қон зардоби, вирус РНКси, клиник ва анамнестик маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник (лаборатория ва инструментал), функционал ва статистик текширув усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

ОИВ-инфекцияли болаларда бронхо-ўпка патологиясини клиник намоён бўлиши 40%, ҳамда ташқи нафас функциясини баҳолаш орқали аниқланган сурункали ўпка касаллигининг 18,4% ташкил қилиниши аниқланган;

ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган ҳолатлардаги ОИВ билан боғлиқ касалликларнинг анамнезидаги учраш даражаси ишонарли даражада фарқи бўлмаганлиги, аммо анамнезида қизамиқ ўтказган ва сурункали ўпка касаллиги мавжудлиги билан боғлиқлиги асосланган;

ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган ҳолатлардаги ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 клиник босқичдаги болалар учраш даражасида фарқ бўлмаганлиги, сурункали ўпка касаллиги мавжуд ОИВ-инфекцияли болаларда CD4+лимфоцитлар сонининг  $\leq 200$  хуж/мкл ҳамда вирус юкламасининг  $\geq 1000$  нусха/мл кўпроқ учраши, CD4+лимфоцитлар сонининг динамикада (1,5 йил) камайиши исботланган;

ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги билан ёшига мос вазнининг  $< 80\%$ , аёл жинси, ОИВ тасдиқланганидан сўнг ретровирусга қарши давони  $\geq 1$  йилда бошланиши, ретровирусга қарши даво схемасида абакавир ва/ёки тенофовир бўлиши, анамнезида қон ёки қон препаратлари қуйилганлиги кўпроқ учраши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекцияли болаларни стационарга қабул қилишда портатив спирометриядан рутин фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги, унинг ташқи нафас олиш функцияси бузилишини эрта аниқлашда муҳимлиги асосланган;

ташқи нафас олиш функцияси бузилиши, спирометриянинг бешта асосий кўрсаткичидан (FEV1, FVC, FEV1/FVC, FEF75, FEF25-75) камида иккитаси норманинг пастки чегарасидан паст бўлган ҳолларда сурункали бронх-ўпка патологиясининг намоёни сифатида асосланган;

ОИВ инфекцияли болаларда сурункали бронх-ўпка патологияси билан боғлиқ 10 та омил (ABC/TDF сақловчи РҚВД, оғир тана вазни етишмовчилиги, аёл жинси, кеч бошланган РҚВД, қизамиқ тарихи, йўталнинг мавжудлиги, CD4 $<350$  да оғир бактериал пневмония, қон компонентларини қуйиш, CD4 $<200$  лимфоцитлар, бронхиал астма анамнези) статистик жиҳатдан сезиларли даражада устунлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли еканлиги, статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг хақаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ОИВ инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиясини стандартлаштирилган спирометрик кўрсаткичлар билан клиник жиҳатдан таҳлил қилиш, ҳамда ОИВ инфекцияли болаларда ташқи

нафас олиш функцияси ўзгаришларининг учраш даражаси ва хусусиятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, омиллар юкламаси сони катта диагностик аҳамиятга эга бўлиб, бу бронх ўпка патологиясини эрта аниқлаш ва шунга мос равишда асоратларни эрта олдини олиш имконини беради, бу дори юкини камайтириш ва РҚВДга содиқликни оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* ОИВ-инфекцияли болаларда бронхо-ўпка патологиясини клиник намоён бўлиши 40%, ҳамда ташқи нафас функциясини баҳолаш орқали аниқланган сурункали ўпка касаллигининг 18,4% ташкил қилиниши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашда 01.05.2024 йил №1 н-р/44-сон билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиясининг ташхисотини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 15.05.2024 йилдаги 47-Р-сон ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 18.05.2024 йилдаги 26-сон бўйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 7-майдаги №17-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ОИВ инфекцияли болаларда ташқи нафас олиш функцияси бузилиши (сурункали бронх ўпка патологияси) ўз вақтида ташхислаш касалликнинг сурункали бўлишининг олдини олиш ва профилактика чораларини ўз вақтида кўриш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) эрта ташхислаш стационар даволанаётган ОИВ инфекцияли ҳар бир бола учун ётоқ урин кунларини ва озиқ-овқат харажатларини тежаш имконини беради;

*иккинчи илмий янгилик:* ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган ҳолатлардаги ОИВ билан боғлиқ касалликларнинг анамнезидаги учраш даражаси ишонарли даражада фарқи бўлмаганлиги, аммо анамнезида қизамиқ ўтказган ва сурункали ўпка касаллиги мавжудлиги билан боғлиқлиги асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашда 01.05.2024 йил №1 н-р/44-сон билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиясининг ташхисотини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 15.05.2024 йилдаги 47-Р-сон ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази

бўйича 18.05.2024 йилдаги 26-сон бўйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 7-майдаги №17-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: ОИВ инфекцияли болаларда ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) анамнез таҳлили асосида ўз вақтида ташхислаш, касалликнинг сурункали бўлишининг олдини олиш ва профилактика чораларини ўз вақтида кўриш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) эрта ташхислаш стационар даволанаётган ОИВ инфекцияли ҳар бир бола учун ётоқ урин кунларини ва озиқ-овқат харажатларини тежаш имконини беради;

*учинчи илмий янгилик*: ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги мавжуд ва мавжуд бўлмаган ҳолатлардаги ОИВ инфекциясининг 3 ва 4 клиник босқичдаги (КБ) болалар учраш даражасида фарқ бўлмаганлиги, сурункали ўпка касаллиги мавжуд ОИВ-инфекцияли болаларда CD4+лимфоцитлар сонининг  $\leq 200$  хуж/мкл ҳамда вирус юкламасининг  $\geq 1000$  нусха/мл кўпроқ учраши, CD4+лимфоцитлар сонининг динамикада (1,5 йил) камайиши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашда 01.05.2024 йил №1 н-р/44-сон билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиясининг ташхисотини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 15.05.2024 йилдаги 47-Р-сон ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 18.05.2024 йилдаги 26-сон бўйруклари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 7-майдаги №17-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: ОИВ инфекцияли болаларда ташқи нафас олиш функцияси бузилиши (сурункали бронх ўпка патологияси) CD4+ лимфоцитлар сонини динамикада кузатиш орқали ўз вақтида ташхислаш, касалликнинг сурункали бўлишининг олдини олиш ва профилактика чораларини ўз вақтида кўриш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) эрта ташхислаш, стационар даволанаётган ОИВ инфекцияли ҳар бир бола учун ётоқ урин кунларини ва озиқ-овқат харажатларини тежаш имконини беради;

*тўртинчи илмий янгилик*: ОИВ-инфекцияли болаларда сурункали ўпка касаллиги билан ёшига мос вазнининг  $< 80\%$ , аёл жинси, ОИВ тасдиқланганидан сўнг РВҚД ни  $\geq 1$  йилда бошланиши, РВҚД схемасида абакавир ва/ёки тенофовир бўлиши, анамнезида қон ёки қон препаратлари қуйилганлиги кўпроқ учраши асосланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги эксперт кенгашда 01.05.2024 йил №1 н-р/44-сон билан тасдиқланган «ОИВ-инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологиясининг ташхисотини оптималлаштириш»

номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 15.05.2024 йилдаги 47-Р-сон ҳамда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази бўйича 18.05.2024 йилдаги 26-сон бўйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025-йил 7-майдаги №17-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: ОИВ инфекцияли болаларда ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) РКВД бошлаш вақтини ҳамда схемасини таҳлили асосида ўз вақтида ташхислаш, касалликнинг сурункали бўлишининг олдини олиш ва профилактика чораларини ўз вақтида кўриш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги*: ташқи нафас олиш функцияси бузилишини (сурункали бронх ўпка патологияси) эрта ташхислаш стационар даволанаётган ОИВ инфекцияли ҳар бир бола учун ётоқ урин кунларини ва озиқ-овқат харажатларини тежаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**ОИВ инфекцияли болаларда бронх-ўпка патологияси муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиёт шарҳи)**» ОИВ инфекцияси, иммуносупрессия, ОИВ инфекцияси бўлган болаларда бронх-ўпка патологияси муаммосининг долзарблиги, ОИВ инфекцияси бўлган болаларда ўпка ва бронхлар патологиясини ташхислашнинг замонавий усуллари, ОИВ инфекцияси билан касалланган болаларда ўпка ва бронхлар патологиясини шакллантиришнинг мумкин бўлган сабаблари ва механизмлари ҳақида умумий тушунчалар.

Диссертациянинг «**ОИВ билан зарарланган болаларда бронх-ўпка**

**патологиясининг хусусиятлари бўйича текшириш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари баён этилган.

Белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда «Республика ОИТСга қарши курашиш маркази қошидаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонаси» (бош врачлари – тиббиёт фанлари доктори, профессор Файзуллаева Д.Б., болалар касалликлари бўлими мудирлари, Е.С. Папина) муассасасида болалар бўлимига стационар даволанишга ётқизилган болаларни текшириш ўтказилди. Тадқиқот 2021-2023 йилларда ўтказилди.

Тадқиқот дизайни: мономарказли кўндаланг кесимли (кросс-секцион) тадқиқот бўлиб, кейинчалик ҳолат-назорат усулида таҳлил қилинган ҳамда ретроспектив ва проспектив когорт тадқиқоти элементларини ўз ичига олган.

Тадқиқот объекти: Республика ОИТСга қарши курашиш маркази қошидаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасида даволанаётган ОИВ инфекцияли болалар.

Қўшилиш мезонлари: 5-18 ёшдаги ОИВ инфекцияли болалар; ота-оналарнинг ёки болаларнинг васийларининг оғзаки розилиги; спирометрия маневрасини бажариш учун жисмоний қобилият.

Истисно мезонлари: ОИВ инфекцияли 5 ёшгача болалар; ота-оналарнинг ёки болаларнинг васийларининг норозилиги; спирометрия ҳаракатини бажариш учун жисмоний қобилияtsizлик.

Тадқиқотда эпидемиологик, клиник, иммунологик, молекуляр генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Кўндаланг кесим босқичида 189 бемор текширилди. 10 нафар бола истисно мезонларига жавоб берди. 7 нафар боланинг ота-онаси спирометриядан ўтишдан бош тортди, 2 нафари лабидаги жисмоний нуқсон (лаб ёриғи) туфайли ўтказиш олмади, бирида юз мушакларининг қисман фалажлиги бор эди. Агар қўшилиш мезонлари бажарилган бўлса, спирометрия Россия нафас олиш жамияти (2021) тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. Спирометрияни ўтказиш учун Хитойда ишлаб чиқарилган Contec SP80B портатив спирометридан фойдаланилган. Кейинги босқичда натижаларни таҳлил қилиш учун Global Lung Function Initiative (GLI) веб-сайтида тақдим этилган ҳисоблагичдан фойдаланилди - <http://gli-calculator.ersnet.org/index.html>. Ушбу сайтда 5 спирометрия кўрсаткичлари, (FEV1, FVC, FEV1/FVC, FEF75 va FEF25-75) учун жинс, ёш, бўй ва этник келиб чиқиши бўйича z-мезонлари ҳисоблаб чиқилди.

Тадқиқотнинг ҳолат-назорат босқичида олинган 3-мезонлари асосида гуруҳларга бўлиниш оширилди, бунда асосий гуруҳ (1) - ҳолат ва таққослаш гуруҳи (2) - назорат қилиб олинди. Асосий гуруҳга икки ёки ундан ортиқ спирометрия кўрсаткичларининг чеклови (норманинг пастки чегарасидан пастроқ бўлиши), яъний ташқи нафас олиш функцияси бўзилган (ТНОФб) болалар кирди. Таққослаш гуруҳига барча 5 кўрсаткичлар бўйича чекловсиз ёки фақат битта кўрсаткич бўйича чеклови бўлган болалар, яъний ташқи нафас олиш функцияси бўзилмаган (ТНОФб сиз) болалар киритилди.

Когорт тадқиқот босқичида CD4+ лимфоцитлар сонининг ретроспектив

ва проспектив таҳлили ўтказилди. Ушбу босқич ОИВ инфекциясида CD4+ лимфоцитларининг ўзига хос роли туфайли муаммоларнинг асосий ечимига кўшимча бўлди.

Барча тадқиқотлар ота-оналар ёки васийларнинг оғзаки розилиги асосида РИЭМЮПКИАТМ ва Республика ОИТСга қарши курашиш маркази қошидаги ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонаси ўртасидаги икки томонлама келишув асосида ихтисослаштирилган шифохона шифокорлари назорати остида ўтказилди.

Тиббий дафтарчалар (003/у шакл), ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ва Тошкент ОИТСга қарши курашиш марказининг йўлланма бланкалари маълумотлари таҳлилидан фойдаланилди. Ретроспектив тадқиқотда шикоятлар, тиббий ва ҳаёт тарихи, эпидемиологик тарих маълумотлари ва беморларни текшириш таҳлили ўтказилди. Анамнезنى йиғишда касалликнинг келиб чиқиш характери ва вақти, касалхонага ётқизиш вақтидаги шикоятлар, олдинги профилактик тиббий кўриклар, ташрифлар ва/ёки касалхонага ётқизиш натижалари таҳлил қилинади. ОИВ инфекциясининг хусусиятларига, хусусан, уни аниқлаш вақти, тарқалиш йўли, CD4+ лимфоцитлар сони, РКВДни бошлаш ва қўллаш тўғрисидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди. ОИВ инфекцияли болаларда CD4+ лимфоцитлар сони (ҳужайралар/мкл) ва вирус юки (ВЮ) (1 мл қондаги ОИВ РНК нусхалари сони) вилоятлар ОИТСга қарши курашиш марказлари ва Тошкент шаҳар ОИТС марказининг йўлланма бланкаларидан олинган. Барча болалар оддий рентгенографиядан ўтказилди; кўрсаткичлар бўйича кўкрак қафаси органларининг компьютер томографияси амалга оширилди (ўрганиш яшаш жойидаги бошқа тиббиёт муассасаларида ўтказилди).

Кўрсатилгандек қорин бўшлиғи, ретроперитонеал бўшлиқ, плевра бўшлиқларининг ултратовуш текшируви (УТТ), шунингдек, юракнинг эхокардиёграфик текшируви (Ехо-КГ) ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш компьютерда IBM SPSS статистик дастурлар пакети - 27-нашр, Microsoft office Excel 2019 ва ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Ҳисоблаш учун ўрганилган ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (SD), ўртачанинг стандарт хатоси (m), медиан (Me), кватиллараро диапазон (Q1;Q3), нисбий қиймат (учраш даража,%) ва шанслар нисбати (OR) ишлатилган.


Ишончлилиқ даражаси (p) Студент t-тести, Крускал-Уолис тести (H) ва Спирман ранк тести билан аниқланди.

Диссертациянинг учинчи бобида, **«ОИВ инфекцияси бўлган болаларда бронх ўпка патологиянинг учраш даражаси. Икки гуруҳдаги ОИВ инфекцияли болаларнинг кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили»** бронх ўпка патологиянинг (БЎП) учраш даражаси ва ОИВ инфекцияси билан оғриган болаларнинг кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили билан бирга ва бирга бўлмаган БЎП, ОИВ инфекцияси бўлган болаларда бронх ўпка патологиянинг учраш даражаси ва клиник ва лаборатория кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

ОИВ инфекцияси бўлган болаларда бронх ўпка патологиянинг учраш даражаси таҳлили ўтказилди. ОИВ инфекцияли болаларда БЎП нинг клиник мавжудлиги учраш даражаси 40% ни ташкил этди. Махсус тадқиқот усули - портатив спирометриядан фойдаланган ҳолда, ТНОФб, сурункали БЎП мавжудлиги учраш даражаси 18,4% ни ташкил этди. БЎП клиник мавжуд бўлган болаларда ва БЎП клиник мавжуд бўлмаган болаларда ТНОФб борлиги сабабли, биз наъмунани 2 гуруҳга бўлиб таҳлил қилишни қарор қилдик: 1-асосий (ТНОФб билан ОИВ инфекцияли болалар), 2-таққослаш гуруҳи (ТНОФб сиз ОИВ инфекцияли болалар). Кейинги қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, ТНОФб билан оғриган болалар гуруҳида аёл жинси ва йўталдан шикоят қилган болалар улуши сезиларли даражада устунлик қилди. Физикал текширув ОИВ инфекцияли ТНОФб болалар орасида кам вазнининг устунлигини аниқлади. Портатив спирометрия ёрдамида олинган маълумотлар ҳам ТНОФб бўлган болаларда сезиларли даражада паст бўлиши аниқланди. Анамнезни таҳлил қилиш оппортунистик касалликларининг (сил инфекцияси, ЦМВ инфекцияси, ПЦП, кандидоз, оғир бактериал пневмония) пайдо бўлиш учраш даражасида статистик аҳамиятга эга эмаслигини, қизамиқ тарихи билан статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик мавжудлигини аниқлади.

Умумий ва биокимёвий қон тестлари каби лаборатория маълумотларини қиёсий таҳлил қилишда муаллиф қуйидаги хулосаларга келди: ТНОФб билан ОИВ инфекцияли болаларда кўпинча гемоглобин, гематокрит ва лимфоцитлар сони паст бўлади, ЭЧТ ва нейтрофил-лимфоцитлар индекси касалхонага ётқизилганида. Гемоглобин, гематокрит ва лимфоцитлар даражасининг пасайиши, шунингдек, ТНОФб билан ОИВ инфекцияли болаларда ЭЧТ нинг ортиши ОИВ инфекциясидан келиб чиққан сурункали яллиғланиш жараёнини кўрсатади, бу паст адерансли болалар учун хосдир. Қон биокимёси тадқиқот гуруҳлари ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатмади. Иммуниет танқислиги даражасини таҳлил қилиш иммуниет танқислигининг аниқ даражаси бўлган болаларнинг устунлигини аниқлади, аммо бу ўрганилган гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг статистик аҳамиятига эриша олмади. Динамикада CD4+ лимфоцитлар сонининг таҳлили ўтказилди; ОИВ инфекцияли болалар жорий тадқиқотга киритилганидан кейин 1-1,5 йиллик кузатувдан сўнг сонининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайиши аниқланди.

ОИВ инфекцияли болаларда бронх ўпка патологиянинг учраш даражасини таҳлил қилиш учун 189 беморнинг узлуксиз кесма тадқиқоти ўтказилди. 179 беморга спирометрия маневри ўтказилди. Бронх ўпка патологияси билан касалланиш 18,4% ни ташкил этди (179 боладан 33 таси). Болаларнинг 19% ўпка функциясининг енгил бузилишини кўрсатди ва ўпка функцияси бузилган болалар билан бир қаторда таққослаш гуруҳига киритилди (1-расм).



**1-расм. ОИВ инфекцияли болаларда ТНОФб (сурункали бронх ўпка патологиясининг) учраш даражаси**

Кейинги таҳлил қилиш учун бутун намуна асосий гуруҳга (1, ТНОФб ОИВ инфекцияли болалар) ва таққослаш гуруҳига (2, ТНОФб сиз ОИВ инфекцияли болалар) бўлинди, улар мос равишда 33 (18,4%) ва 146 (81,6%) болаларни ўз ичига олди.

**1-жадвал**

**Гуруҳларга бўлингандан кейин асосий спирометрия параметрларининг z-мезонлари натижалари**

Ko'rsatkich	n	M ± m	SD	Me (Q1;Q3)	p1	p2
FEV1	1(n=33)*	-2,4 ± 0,2	1,1	-2,2 (-3,2;-1,8)	2.01E-23	7.32E-17
	2(n=146)	-0,1 ± 0,1	1	-0,4 (-0,9;0,6)		
FVC	1(n=33)*	-2,7 ± 0,2	1.3	-2,5 (-3,7;-2)	4.36E-18	3.54E-13
	2(n=146)	-0,6 ± 0,1	1,1	-0,8 (-1,4;0,2)		
FEV1/FVC	1(n=33)	0,5 ± 0,3	1.7	1,2 (-0,7;1,9)	0,260	0,508
	2(n=146)	0,9 ± 0,1	1,1	1,1 (-0,1;1,8)		
FEF 75	1(n=33)	-0,7 ± 0,3	1.5	-0,3 (-1,7;0,3)	4.28E-04	2.71E-04
	2(n=146)*	0,4 ± 0,1	0,9	0,3 (-0,2;1)		
FEF 25-75	1(n=33)*	-1,4 ± 0,2	1.3	-1,2 (-2,2;-0,6)	2,32E-10	7.19E-08
	2(n=146)	-0,1 ± 0,1	1	-0,1 (-0,7;0,4)		

**Эслатма:** \* - нормаллик ҳақидаги гипотеза тасдиқланган намунани Лилефорс аҳамиятини тўғрилаш билан бир намунани Колмогоров-Смирнов тести билан тақсимлаш. p1 - мустақил намуналар учун t-тестига мувофиқ аҳамиятlilik даражаси. p2 - мустақил намуналар учун Крускал-Уоллис мезонига (H) мувофиқ аҳамиятlilik даражаси.

Ёш, жинс, бўй ва этник келиб чиқиши бўйича z-балларини ҳисоблагандан сўнг икки гуруҳ учун спирометрия натижалари кўйида келтирилган. 1-гуруҳдаги болаларда барча кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли

даражада паст эди. Истисно FEV1 / FVC кўрсаткичи бўлиб, бу гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатмади. FEV1 ва FVC қийматлари айниқса паст эди ( $p < 0,001$ ) (1-жадвал).


Қиёсий таҳлил ОИВ инфекцияли болаларда кутилган вазндан орқада қолиш ва ОИВ инфекцияси юқиш йўли бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқланишга мойиллиги, ҳамда кутилган бўйдан орқада қолиш статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилмаслигини кўрсатди.

2-жадвал

**Оғирлик ва баландликдаги кечикиш даражаси, гуруҳлар бўйича ОИВ юқиш йўли**

	1-гуруҳ		2-гуруҳ		p
	n1	% (CI)	n2	% (CI)	
<b>Кутилган вазндан орқада қолиш</b>					
Йўқ ёки кичик	8	24,2 (12,2 ± 40,6)	44	30,1 (23,1 ± 37,9)	0,053
I даражали (ўртача)	5	15,2 (6 ± 30,1)	48	32,9 (25,7 ± 40,8)	
II даража (аҳамиятли)	20	60,6 (43,6 ± 75,8)	54	37 (29,5 ± 45)	
<b>Кутилган бўйдан орқада қолиш</b>					
Йўқ ёки кичик	18	54,5 (37,8 ± 70,6)	83	56,8 (48,7 ± 64,7)	0,938
I даражали (ўртача)	15	45,5 (29,4 ± 62,2)	58	39,7 (32,1 ± 47,8)	
II даража (аҳамиятли)	0	0 (0 ± 0)	5	3,4 (1,3 ± 7,3)	
<b>Юқиш йўли</b>					
перинатал	3	9,1 (2,6 ± 22,3)	31	21,2 (15,2 ± 28,4)	0,074
парентерал	28	84,8 (69,9 ± 94)	111	76 (68,6 ± 82,4)	
номаълум	2	6,1 (1,3 ± 18,1)	4	2,7 (0,9 ± 6,4)	


Эслатма: p - мустақил намуналар учун Крускал-Уоллис тести (H) бўйича аҳамиятлилиқ даражаси.



**2- расм. Икки гуруҳда ОИВ инфекцияли болаларнинг жинси бўйича тақсимланиши ( $p = 0,03$ )**

Тадқиқотимиз ўғил болаларнинг муҳим қисмини ўз ичига олганлиги сабабли, биз икки гуруҳдаги болаларнинг жинси тақсимоотида статистик жиҳатдан муҳим фарқни текширишга қарор қилдик (2-расм). Кўришиб турибдики, асосий гуруҳдаги болалар орасида аёллар жинсига тегишлилик устунлик қилган (57,6%), таққослаш гуруҳида ОИВ инфекцияли болаларнинг аксарияти эркак жинсли (63,0%); фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлди ( $p = 0,03$ ).


Қуйида икки гуруҳ учун ОИВ инфекцияли болаларнинг ёши таҳлили келтирилган (3-расм).



**3- расм. Икки гуруҳда ОИВ инфекцияли болаларнинг ёш таркибини таҳлил қилиш ( $p=0,093$ )**

Икки гуруҳдаги болаларнинг ёш таркибини таҳлил қилиш бронх ўпка патологияси бўлган болалар гуруҳида катта ёшдаги болаларнинг устунлигини кўрсатди, аммо фарқ статистик аҳамиятга эга эмас ( $p = 0,093$ ).

Бўй, тана вазни ҳамда тана масса индекси (ТМИ) ўсиш ва ривожланишнинг муҳим кўрсаткичлари, шунингдек сурункали инфекциянинг билвосита кўрсаткичи бўлиб, нафас олиш тизимининг фаолиятини бевосита ёки билвосита акс эттиради. Қуйида иккала гуруҳ учун жинс бўйича юқоридаги кўрсаткичларнинг таҳлили келтирилган. Ўсиш таҳлили 4-расмда кўрсатилган.



**4- расм. Икки гуруҳдаги ўғил ва қиз болаларнинг бўйи (Me, см) ( $p=0,109$ )**

Бронх ўпка патологияси бўлган қизларнинг бўйи бронх ўпка патологияси бўлмаган қизларнинг баландлигидан бироз каттароқ эди. Қарама-қарши расм ўғил болаларда кузатилди, бронх ўпка патологияси бўлмаган болаларда ўсишнинг устунлиги. Бирок, бу фарқлар статистик аҳамиятга эга эмас ( $p = 0,109$ ).

ОИВ инфекцияли болаларда ОИВ инфекциясини аниқлаш ёши, эрта аниқлаш ва РҚВДни ўз вақтида бошлаш катта аҳамиятга эга (3-жадвал).


**ОИВ билан касалланган болаларда РҚВД қабул қилиниши ва ОИВ аниқланишига оид статистик кўрсаткичлар гуруҳлар бўйича**

Кўрсаткич	Гуруҳ (n)	M±m	SD	Me (Q1;Q3)	p1	p2
РВҚД бошланиши, йил	1(n=33)*	2013 ± 0,7	4.2	2014 (2011; 2017)	0,581	0,708
	2(n=144)	2014 ± 0,3	3.7	2014 (2011; 2017)		
ОИВ ташхиси, йил	1(n=33)*	2012 ± 0,6	3.6	2012 (2010; 2015)	0,242	0,303
	2(n=146)	2013 ± 0,3	4.1	2013 (2009; 2016)		
ОИВ ташхисидаги ёш (йил)	1(n=33)*	9 ± 0,8	4.4	8 (6;13)	0,219	0,232
	2(n=146)	7 ± 0,4	4.3	7 (4;10)		
РВҚД бошланиши ёши (йиллар)	1(n=33)*	9 ± 0,7	4.2	9 (6;13)	0,92	0,824
	2(n=144)*	9 ± 0,3	3.9	9 (6;12)		
ОИВ ташхисидан РВҚД бошланишигача бўлган давр (йиллар)	1(n=33)	2 ± 0,4	2.1	1 (0;3)	0,283	0,036
	2(n=144)	1 ± 0,2	2.1	0 (0;2)		
ОИВ ташхисидан спирометриягача бўлган давр (йиллар)	1(n=33)*	9 ± 0,6	3.6	9 (6;11)	0,242	0,303
	2(n=146)	8 ± 0,3	4.1	8 (5;12)		
РВҚД бошланганидан спирометриягача бўлган давр (йиллар)	1(n=33)*	8 ± 0,7	4.2	7 (4;10)	0,581	0,708
	2(n=144)	7 ± 0,3	3.7	7 (4;10)		

**Эслатма:** \* - танланма тақсимотининг нормаллиги ҳақидаги гипотеза тасдиқланди, p1 - мустақил намуналар учун t-тестига мувофиқ аҳамиятлилик даражаси. p2 - мустақил намуналар учун Крускал-Уоллис мезонига (H) мувофиқ аҳамиятлилик даражаси.


Юқоридаги жаadwalда инфекцияланган болаларда ОИВ инфекциясининг йўналишини белгиловчи бир қанча муҳим параметрлар кўрсатилган. Улардан энг муҳими ОИВ ташхиси қўйилган ёш ва ОИВ ташхисидан то РҚВД бошланишигача бўлган давр. Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги болалар учун иммун блоттинг орқали ОИВни тасдиқлаш ёши мос равишда  $9 \pm 0,8$  ва 7 (4;10) йил ( $p = 0,232$ ), ОИВ ташхисидан РҚВД бошланишигача бўлган давр мос равишда 1 (0;3) ва 0 (0;2) йилни ( $p = 0,036$ ) ташкил қилди.

Қон ёки унинг таркибий қисмларини қуйиш истисно ҳолларда амалга оширилади ва қоида тариқасида турли касалликларнинг оғир кечиши билан боғлиқ. Ушбу мақсадлар учун веналарни катетеризация қилиш (айниқса, субклавиан вена) кўпинча қўлланилади. Операциялар тарихи ОИВ инфекцияли болаларда иммунитетнинг кечикишига ва бронх ўпка патологиянинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Узоқ муддатли диарея ва номаълум этиологиянинг иситмаси каби ҳолатлар ҳам оғир касаллик билан бирга келади ва ОИВ инфекцияли болаларда бронх ўпка патология кўринишидаги кечиктирилган оқибатларга таъсир қилиши мумкин. Ушбу ҳолатларнинг таҳлили қуйидаги расмда кўрсатилган (5-расм).




**5-расм. Гурухлар бўйича ОИВ инфекцияли болалар умумий сонининг % сифатида ифодаланган анамнездаги баъзи ҳолатларнинг қиёсий таҳлили ( $p > 0,05$ )**

Юқоридаги шартларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳар иккала гуруҳдаги ОИВ инфекцияли болаларнинг аксарияти ўсиш ва ривожланиш кечикишига эга (93,9% ва 87,7%) ва иккала гуруҳда ҳам фарқ қилмаган ( $p = 0,377$ ). Биринчи гуруҳда катетеризация қилинган болалар сони сезиларли даражада юқори (66,7% ва 51,4%), аммо маълумотлар статистик аҳамиятли бўлмади ( $p = 0,111$ ). Қон ёки унинг таркибий қисмларини қуйиш 1-гуруҳдаги болалар, уларнинг ота-оналари ёки васийлари томонидан анча кўп ва статистик жиҳатдан ишонарли даражада кўпроқ қайд этилган (27,3% ва 11,7%;  $p = 0,03$ ).



**6-расм. Анамнездаги оппортунистик касалликларнинг қиёсий таҳлили, гуруҳлар бўйича ОИВ инфекцияли болаларнинг умумий сонининг % сифатида ифодаланган**


Бу ерда ОИВ билан боғлиқ касалликларнинг ҳеч бири гуруҳлар ўртасидаги фарқнинг статистик аҳамиятига эриша олмади. Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги ОИВ инфекцияли 9 (27,3%) ва 50 (34,2%) болалар оғиз бўшлиғи кандидозининг тарихи ҳақида хабар беришди ( $p = 0,441$ ). Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги ОИВ инфекцияли 9 (27,3%) ва 37 (25,3%) болалар ўтмишда МБТ билан касалланганлигини хабар қилишди ( $p = 0,827$ ). Оғир бактериал пневмония тарихи бўлган болалар улуши 1-гуруҳда юқори (9;27,3% ва 23;15,8%) бўлган, аммо фарқ статистик аҳамиятли бўлмади ( $p = 0,134$ ). ЦМВ инфекцияси ва ПЦП нисбатан кам учрайди (ҳар иккала гуруҳда ҳам 5% дан кам) ва фарқлар ҳам статистик аҳамиятга эга эмас ( $p > 0,05$ ). Шунингдек, биз МБТ учраш даражасини ва жинсга қараб оғир бактериал пневмония тарихини ҳисоблаб чиқдик. Бу маълумотлар ушбу ишда келтирилмаган, чунки турли гуруҳлардаги бир хил жинс ва бир гуруҳ ичидаги турли жинслар ўртасида учраш даражалар фарқининг статистик аҳамиятлилиги аниқланмаган.



**7-расм. Болалар инфекциялари ва вирусли гепатитлар (В ва С) тарихининг қиёсий таҳлили, гуруҳлар бўйича ОИВ инфекцияси билан касалланган болалар умумий сонининг % сифатида ифодаланган**


